VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

УДК: 37.015.3

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шоназаров Жамол Умирзоқович
Халқаро инновацион университети “Педагогика ва жисмоний маданият” кафедраси катта ўқитувчиси
Email: shonazarov77@mail.ru

АННОТАЦИЯ
Мазкур мақолада бошқарув тизимида мавжуд муаммолар, уларни бартараф этишда инновацион ёндашиш, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар ва ҳал этилиши лозим бўлган педагогик вазифалар баён этилган.

Шунингдек, педагогик жараёнда инновацион фаолият, ўқув-тарбия жараёнига инновацияларни қўллаш, таълим инновацияларининг педагогик фаолият самарадорлигига таъсири ва ижобий механизмларига оид хос хусусиятлари келтирилган.

Калит сўзлар
Бошқарув, маънавий бошқарув, таълим тизими, педагогик жараён, инновация, инновацион фаолият, педагогик технология, илғор педагогик тажриба, шахс камолоти, касбий маҳорат, педагогик фаолият.

АННОТАЦИЯ

В данной статье описаны существующие проблемы в системе управления, инновационный подход к их устранению, реформы в сфере образования и педагогические задачи, которые необходимо решить.
Также представлены особенности инновационной деятельности в педагогическом процессе, применение инноваций в образовательном процессе, влияние и положительные механизмы образовательных инноваций на эффективность педагогической деятельности.

Ключевые слова
Менеджмент, духовное управление, система образования, педагогический процесс, инновация, инновационная деятельность, педагогические технологии, передовой педагогический опыт, развитие личности, профессиональное мастерство, педагогическая деятельность.

Маълумки, бошқарув тараққиётнинг ҳар қандай босқичида жамиятга ҳос бўлган ички хусусиятдир. Меҳнатнинг ҳар қандай шакли-ижтимоий ёки биргаликда қилинадиган меҳнат – идора қилувчига маълум даражада муҳтождир. Бугунги кунда жамиятда тўғри бошқарувнинг муҳим шарти ҳам бошқарувчининг яъни раҳбарнинг фаолиятига бевосита боғлиқдир. Жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Шунга мувофиқ бошқарувнинг 3 та асосий йўналиши бор:

1. Иқтисодий бошқарув

2. Ижтимоий-сиёсий бошқарув

3. Маънавий бошқарув.

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

Биз яшаётган жамият тараққий этмоғи учун юксак интеллектуал потенциалга эга бўлиши керак. Ижтимоий тарбияни, илм ва маърифат беришни, аҳолига маданий маиший хизмат кўрсатишни, илмий асосда бошқариш зарурияти ана шундан келиб чиқади.

Ҳозирги даврда маънавий бошқарув жамиятимизда ғоят катта аҳамиятга эга. Бу шаклдаги бошқариш умумий таълим мактаблари, мактабгача, мактабдан ташқари болалар муассасалари, халқ таълим органлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, профессионал таълим, ва академик лицейлар ҳамда олий ўқув юртлари, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларини бошқаришни, фан, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни бошқариш тизимини ўз ичига олади. Айнан ушбу бошқарув тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш жамият олдидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу каби муаммоларни ҳал этиш таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларни ҳал этиш ҳозирги кунда миллий педагогикамиз эришган ютуқлар, илғор педагогик тажрибалар ва инновацион технологиялардан фойдаланиш заруратлини тақазо этмоқда. Шу боис, таълим-тарбия тизимида ҳам бу каби муаммолар ўзига хос долзарб муаммо сифатида тадқиқотчилар диққат марказида турибди [1].

Таълим тизими инновациялари ҳаёт эҳтиёжларини қай даражада тўла қондирса, жамият ҳаёти бошқа соҳаларининг ривожланишига унинг таъсири шу даражада кучли бўлади. Айни шу сабабли фан ва таълим тизими ўртасида вужудга келган тафовутни бартараф этиш олий таълим тизимининг кун тартибида турган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифа ёш авлод тафаккурини ижодий ривожлантиришни назарда тутишини англатади, зеро, ҳаёт тинимсиз илгари сурувчи ностандарт вазифаларни фақат шу йўл билан ечиш мумкин. Шундай экан, билимни муттасил янгилашга бўлган интилишни тарбиялаш таълим инновацияларининг муҳим элементи саналади. Бу эса, ўз навбатида, глобал дунёқарашни шакллантиришни назарда тутади [2]. Таълим инновациялари – бу уни ташкил этувчи таълим институтларигина эмас, балки тегишли давлат идоралари томонидан олиб борилувчи таълимга оид давлат сиёсати, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнининг моддий таъминоти, «жамият – шахс – давлат» муносабатларида манфаатларнинг муайян нисбати ҳамдир. Шу сабабли бир мамлакатда вужудга келган ва ривожланган таълим тизимини бошқа мамлакатга, ўзга тарихий шароитларга кўр-кўрона кўчириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам миллий таълим тизимида вужудга келган ижобий анъаналар, тўпланган тажриба, шаклланган илмий мактабларни сақлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг келажаги, унинг тараққиёти ва равнақи кўп томонлама ундаги кадрларнинг билимдонлиги, касб тайёргарлиги ва маънавий этуклигига боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар орасида Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар муҳим ўрин тутади. Шахсни тарбиялаш ва камол топиши Республика таълим ҳодимлари зиммасига ўта маъсулиятли вазифани юклайди ва бу таълим-тарбия тизимида ёш авлодни ўқитишга янгича ёндашишни тақазо этади. Шу боисдан маънавий бошқарув тизимида педагогик жараённинг эскириб қолган технологиясини янгисига алмаштириш, замонавий мактабга давр талаблари асосида ёндашиш, ўқув-тарбия жараёнига инновацияларни жорий этиш, замонавий ўқитиш технологиялардан самарали фойдаланишни асосий вазифа қилиб қўйилди. Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук

VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қолдириши устувор мақсадларимиздан биридир. Биз мана шу соҳага эътибор берар эканмиз ундаги баъзи моддий ва маънавий камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Шундай экан халқимиз ўз болаларини ўсиб-униб камолга етишини, халқ корига ярайдиган шахс бўлиб етишишини истайди ва бу йўлда тинмай ҳаракат қилади. Ватанимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият, яъни аввало инсон омилига бўлган эътибор биринчи ўринда бўлиб келган. Бугунги кунда техника-технологиялар ўқитувчи касби фаолиятини янгилик сифатида уни ўрганишни замон талаби деб қуяр экан, бу борада назарий изланишлар билан бирга ҳозирги таълим воқелигига оид кенг тадқиқотлар майдонида ҳаракатланиш таълим-тарбия соҳасидаги инновацияларни тўғри англаш ва улардан ўз фаолиятида самарали фойдаланиш эканлигини тасдиқлади ва келгуси илмий изланиш йўналишини аниқлаш имкониятини берди [3].

Таълимдаги инновация - инновациянинг меҳнат тақсимоти тарихий жараёни мобайнида ажралиб чиққан муайян типи ҳисобланади, деган фикр тегишли далиллар билан асосланди. Таълимдаги инновациянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда асосан инновацион фаолият сифатида ташкил этилган субъект-субъект, субъект-объект муносабатларига ижодкорлик асосида ёндашилади. Мазкур фаолиятнинг предмети сифатида таълимнинг гуманистик парадигмасига ўтишнинг асоси ҳисобланадиган таълимга оид субъект-субъект муносабатлари тизими амал қилади. Бу ерда таълим ҳар бир субъект ўзини ва ўзининг дунёдаги ўрнини гуманитар лойиҳалаши хусусиятини касб этади. Шу нуқтаи назардан, педагогик фаолиятда таълим инновацияларини қўллаш афзаллиги – бу таълимнинг ривожланиш жараёнини бошқаришнинг таълим жараёнини ташкил этиш ҳамда унинг тузилиши ва мазмунини изчил, тизимли ўзгартириш имкониятини берувчи алоҳида шаклидир, деган қоидага асосан амалга оширилади [4]. Бундай ўзгариш амалга оширилиши натижасида бошқарув маданияти ҳам ўзгаради, чунки ривожланишнинг инновацион усули унга алоҳида талаблар қўяди. Демак, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар бир педагог глобаллашув шароитида педагогик маҳоратга эришиш, илғор педагогик тажрибаларни эгаллаши ва мазкур жараёнда, яъни педагогик жараёнда ўзини ўзи ўзгартириши, изланиши, лозим бўлса ўз фаолиятини онгли ва тизимли ривожлантириши мақсадга мувофиқ. Шу тариқа таълимдаги инновациялар ижтимоий ривожланиш ресурси саналган ҳозирги замон таълимининг ривожланишини таъминловчи ноёб ижтимоий механизмга айланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион технологиялар. -Т.: “Ниҳол”, 2016.
2. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. – Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2008 йил. 130 бет.
3. Толипов У.К,., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари (ўқув қўлланма).-Т.: «Фан» нашриёти, 2006 йил.
4. Худойқулов Х.Ж. Замонавий педагогик технология таълим самарадорлигининг асосидир. – Тошкент.: “Наврўз”, 2013 йил. 92-бет.